БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 139 (4345).

15 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА 1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ПАРТИЯ ПЛАНЛАРИ ҲАЁТГА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети Тошкент область, Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози бошланғич партия ташкилотининг КПСС XXIV съезди қарорларини пропаганда қилиш ва амалга ошириш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига республиканинг барча колхоз ва совхозларида «Интернационал» колхози белгилаган тадбирларни муҳокама қилиш ва ҳар бир хўжаликда КПСС XXIV съездининг қарорларини пропаганда қилиш ва амалга ошириш юзасидан ўзларининг тадбирларини ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг давлат телевидение ва радио эшиттириш Комитетига қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг тўққизинчи беш йиллик топшириғини, шу йилги планлар ва мажбуриятларини барвақт бажариш юзасидан социалистик мусобақаларининг боришини кенг кўламда ёритиш вазифаси топширилди.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «ИНТЕРНАЦИОНАЛ» КОЛХОЗИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАДБИРЛАРИ

Бутун совет халқи билан бирга «Интернационал» колхозининг меҳнатчилари ҳам КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини зўр эътибор ва мамнуният билан кутиб олдилар. Съезд партиянинг улуғвор ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишини, совет халқининг халқ хўжалигини, фан ва мадниятни ривожлантиришдаги муваффақиятларини умумлаштириб берди. Съезд бутун экономикамиз учун, совет халқининг фаровонлигини ошириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалигини муттасил ривожлантириш соҳасида партия ва унинг Марказий Комитети олиб бораётган самарали ишларни ҳам таъкидлаб ўтди.

Ана шу ишларнинг самаралари «Интернационал» колхози мисолида кўриниб турибди. Утган беш йиллиқда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Деҳқончилик маданияти, жамоат чорвачилигининг маҳсулдорлиги ошди. Колхоз жами 7.553,7 минг сўм даромад олди. Шундан 4.100,2 минг сўми маданий фондга ажратилди. Пенсия таъминотига 204,6 минг сўм сарф қилинди. 1966-1970 йиллар мобайнида 2 та клуб, 520 ўринли ўрта мактаб, 160 ўринли 5 та болалар яслиси ва боғчаси, 4 та магазин, 1 та универмаг, чойхона, ҳаммом, сартарошхона, буюртма кийим ва пойафзал тикиб бериш устахонаси, радиоприёмник ва телевизорларни ремонт қилиш устахонаси, пионерлар лагери, 15 та дала шийпони, касалхона, туғруқхона, 4 та медицина пункти, спорт майдончаси қурилди. 15 километрли йўлга асфальт ётқизилди. Колхозларга 750 хонадонинг ҳаммаси тўла электрлаштирилди ва радиолаштирилди. Оилаларнинг 60 процентида телевизор, 70 процентида кир ювиш машиналари бор.

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорлари колхозчиларнинг меҳнат ғайратини ва сиёсий активлигини янада жўш урдириб юборди. 1971 йил учун улар қуйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

— гектар бошига ўрта ҳисобда 33 центнер пахта олиниб, давлатга 3300 тонна пахта сотилади, ҳосилнинг 85 процента машиналарда теріб олинади;

— каноп ҳосилдорлиги гектар бошига 200 центнерга етказилади ва давлатга 4.000 тонна юқори сифатли каноп пояси сотилади;

— шоли ҳосилдорлиги гектар бошига 40 центнер, маккажўхори дони ҳосили 50 центнерга етказилади, жами 400 тоннадан кўпроқ дон етиштирилади;

— тирик вазнда 45 тонна гўшт, 260 тонна сут етиштирилади, тухум етиштириш ўтган йилга нисбатан 2 баравар кўпайтирилади;

— давлатга тирик вазнда 33 тонна гўшт, 190 тонна сут ва 40.000 дона тухум сотилади;

— йил охирига бориб қорамоллар 300 бошга, шу жумладан сигирлар 120 бошга етказилади, паррандалар 1970 йилга нисбатан 5 баравар кўпайтирилади;

— ҳар бир соғин сигирдан ўрта ҳисобда 2600 килограмм сут соғиб олинади, тухумга кирган ҳар бир товуқдан 120 та тухум олинади, гўштга топириладиган қорамолнинг вазни 400 килограммга, қўйнинг вазни 50 килограммга етказилади, ҳар юз сигирдан 100 та бузоқ ва ҳар юз совлиқдан 100 та қўзи олинади;

— жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш мақсадида силосбоп маккажўхори ҳосилдорлиги гектар бошига 500 центнерга етказилади, ўтган йилларда экилган беданинг ҳар гектаридан камида 130 центнер беда олинади, 1200 тонна дағал хашак тайёрланади ва 2600 тонна силос бостирилади, ҳар бир сигир ҳисобига уч тонна сенаж тайёрланади. Бошқа экинлар билан қўшиб экилган судан ўтидан гектар бошига 300 центнер кўкпоя ва 400 центнергача хашаки лавлаги етиштириб олинади;

— сабзавот, картошка, мева, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш анча кўпайтирилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш, хўжаликдаги ҳамма тармоқларнинг рентабеллигини таъминлаш, фан ва илғор тажриба ютуқларини жорий этиш, иқтисодий тежаш ва тежамкорлик ҳисобига колхоз даромади планда кўзда тутилган 700 минг сўм ўрнига 2 миллион 100 минг сўмга етказилади. Бу эса колхозчиларимизнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини ошириш имконини беради. Тўққизинчи беш йилликда 300 ўринли учта типовой болалар боғчаси қуриш, ўн километр тош йўлга асфальт ётқизиш, колхоз аъзоларининг ҳамма хонадонларини газ билан таъминлаш мўлжалланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАТБУОТНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Коммунизм қуришдан иборат буюк ишни инсоннинг ўзини ҳар томонлама камол топтирмай туриб олга бостириб бўлмайди, деб таъкидланди КПСС XXIV съездида. Тегишли моддий техника базасисиз коммунизмни барпо қилиб бўлмагани каби, одамларнинг маданияти, ижтимоий онглилиги, ички етуклиги юксак даражада бўлмаган тақдирда ҳам коммунизмни барпо этиб бўлмайди. Янги инсонни вояга етказишдек катта ва мураккаб ишда, капитализм дунёсига қарши мафкуравий қуролда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг роли янада кўпроқ ортади. Янги беш йилликнинг улуғвор вазифалари бизнинг матбуотимиздан бу ишни аввало социалистик мусобақани, илғорларнинг партия режаларини муваффақиятли амалга ошириш йўлидаги қурашни кенг кўламда ва оператив тарзда кўрсатиб беришга асосланиб олиб бориши талаб қилади. Москваликлар билан ленинградликларнинг ташаббусига биноан бошланган умумхалқ мусобақаси оммавий меҳнат ғайратини, қимматли ватанпарварлик ташаббусларини юзага келтирди. Бу эса ишга коммунистик муносабат тимсолидир, совет кишисининг энг яхши фазилатларнга эргашиш ва шу фазилатларни тарбиялаш намунасидир!

Беш йиллик қаҳрамонномасини, мусобақа илғорлари тажрибасини пропаганда қилишга энг яхши журналистларни, ишчи ва қишлоқ мухбирларининг кенг доирасини жалб қилган, зўр ташкилий-ижодий ишни кучайтириб юборган редакциялар билан студиялар тўғри иш қилишди. Николаев область газетасининг зардоб қурилишларда маҳаллий газеталарнинг ишчи мухбирлари постлари самарали иш олиб бормоқда. «Уральский рабочий» ва унинг активлари Ўрта Урал экономикаси ва маданиятини жадал ривожлантириш резервларини қунт билан қидириб топмоқдалар. Тюмень студияси ўтказган новаторларнинг телевизион конкурси неча ўн миллион сўмни тежаб бериши мумкин. Ишчи мухбирлар Белоруссия корхоналарининг цехларидан бевосита республика радиосига хабар қилган масалалар оператив равишда ҳал этилмоқда. Шу кунларда журналистларнинг жонли ташкилотчилик ишини кўрсатувчи бундай мисоллар жуда кўп. Ана шу хилма-хил ишларнинг ҳаммаси совет кишиларида ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиш туйғусини, уларнинг ижтимоий активлигини, ишга давлат манфаатларини кўзлаб мусобатда бўлиш хислатларини ривожлантиради.

Ҳозирги замон шароитларида коммунистик тарбия вазифалари фан-техника революциясининг одамлар олдига қўйётган талаблари билан чамбарчас боғлангандир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат унумдорлигини анча ўстириш учун кураш олиб боришнинг партия белгилаб берган батафсил программаси меҳнаткашлар малакасини, маданий-техникавий савиясини янада ошириш, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларига керакли кадрларни яхшироқ тайёрлаш проблемасини ўткир проблема қилиб қўймоқда. Матбуотимиз ана шу зарур масалаларга шу дамгача бўлганидан анча кўпроқ эътибор бериши керак. Ўрта ва олий мактаб ишларини, ёш ишчиларни тарбиялаб вояга етказишда ишлаб чиқариш коллективларининг ролини, сиёсий ва илмий техникавий пропагандани моҳирона қўшиб олиб бориш тажрибасини доимо ўрганиш, пухта анализ қилиш ҳозирги энг муҳим вазифадир.

Совет кишисининг юксак маънавий фазилатлари турмушимизнинг бутун социалистик уклади, жамиятдаги ишларнинг бутун бориши ва аввало партия ташкилотларининг аниқ мақсадни кўзлаб қунт билан олиб бораётган қоявий-тарбиявий ишлари натижасида вужудга келтирилади ва ривожлантирилади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитети номидан XXIV съездида қилган ҳисобот докладида Марказий Комитетнинг «жамиятимизда ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, меҳнатда ва турмушда инсонга ҳурмат ва меҳрибонлик билан қараш, ҳалоллик, ўзига ва бошқаларга талабчанлик, қаттиқ масъулиятни назарда тутувчи ишонч, чинакам ўртоқлик руҳини қарор топтиришга имкон берувчи маънавий муҳитни вужудга келтириш» йўлида кўриб келган тадбирлари тўғрисида гапирилди.

Матбуот партиянинг ана шу кўп қиррали ишини ёритиш билан бирга партия ташкилотлари тарбиявий фаолиятининг моҳияти, формалари, методларини тўлиқ ва ёрқин очиб бериши, совет турмуш тарзининг афзалликларини батафсил кўрсатиши, ижтимоий жараёнларни, ишлаб чиқаришдаги ва турмушдаги янгилик куртакларини публикистик восталар билан тадқиқ қилиши лозим. Янги кишининг қиёфаси, унинг коммунистик ахлоқ ва дунёқараши ўтмиш сарқитларига қарши доимий олиб бориладиган муросасиз кураш жараёнида қарор топади. Тамагирлик, порахўрлик, текинхўрлик, туҳмат, ичкиликбозлик каби бизнинг ахлоқимизга ёт иллатларга қарши таниқид ўтини асло бўшаштирмаслик — матбуот, телевиденне, радионинг бурчидир.

Социалистик тузумни бадном қилишга уринаётган, разил бўхтонлар ва ёлғонларни тарқатаётган империалистик пропагандага қарши курашда ҳам совет матбуотининг масъулияти катта. Бизнинг публицистларимиз ана шу мафкуравий ҳамлаларни қатъият билан дарҳол даф қилишлари — шу билан бирга ғоявий душманларимизга қарши актив ҳужум олиб бориб капитализм ҳимоячиларининг тухматини ва маънавий қашшоқлигини фош қилиб ташлашлари лозим.

Бизнинг матбуотимиз XXIV съезд қарорларини амалга оширишда партияга ёрдам берар экан, кенг меҳнаткашлар оммасига ғоявий эътиқодимизнинг бутун кучини сингдира олиши, совет кишисини коммунистик руҳда тарбиялаш ишига чинакамига, ҳақиқатан ҳам ижодий муносабатда бўлиши керак.

(«ПРАВДА» газетасининг 14 июльдаги бош мақоласи).

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов республикамизда меҳмон бўлиб турган Монголия тинчлик ва дўстлик ташкилотлари федерацияси билан Монголия—Совет дўстлиги жамиятининг делегациясини 14 июлда қабул қилди. Бу делегацияга МХРП Марказий Комитетининг аъзоси, МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ц. Пунцагноров бошчилик қилмоқда.

Ш. Р. Рашидов Узбекистон меҳнаткашлари номидан делегация аъзоларини ва улар орқали қардош Монголия республикасининг барча меҳнаткашларини Монголия халқ революциясининг 50 йиллиги билан қизғин табриклади.

Узбекистон меҳнаткашлари экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришган муваффақиятлари тўғрисида, республиканинг партия ташкилотлари, ишчилари, колхозчилари ва зиёлилари КПССнинг XXIV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш юзасидан олиб бораётган ишлар тўғрисида гапириб берди.

Суҳбатда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Н. М. Матчонов, М. М. Мусаховов, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов қатнашдилар.

Ц. Пунцагноров МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг фармонига мувофиқ мукофотланган Ш. Р. Рашидов, Н. М. Матчонов, Н. Ж. Худойбердиев, М. М. Мусаховова Монголия халқ революциясининг 50 йиллиги юбилей медалини топширди.

Суҳбат самимий дўстлик ва қардошлик руҳида ўтди. (УзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 14 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

	Биринчи стун	бир кунлик ўсиш, иккинчи стун	мавсум бошидан бери.
Калинин	—		100,0
Ўрта Чирчиқ	1,7		98,8
Оржоникидзе	—		94,2
Оққўрғон	—		86,4
Янгийўл	1,1		86,3
Бўка	2,3		83,9
Бекобод	—		81,6
Юқори Чирчиқ	2,8		64,2
Пискент	1,4		61,9
Бўстонлиқ	2,7		44,7
Область бўйича	1,8		76,3

ПОЙТАХТ ҒАЛЛАКОРЛАРИ, БАЙРОҚ МУБОРАК!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети дон экинларини йиғиштириб олиш, давлатга дон топшириш, уруғлик ва ем-ҳашак фондларини жамғариб қўйиш ва дон ташиш юзасидан, областлар, районлар, совхозлар ва автоколонналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1971 йил 10 июлга қадар эришилган натижаларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғи **Тошкент областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Мусахонов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Асомов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ортиқхўжаев**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Аракелян**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Кисилев**, Тошкент шаҳар нон маҳсулотлари базасининг директори ўртоқ **Ибатбеков**) берилади. Бу область дон экинларини йиғиштириб олиш планини 63,9 процент, шу жумладан кейинги 10 кун ичида 33,1 процент, давлатга дон сотиш планини 24,4 процент, шу жумладан кейинги 10 кун ичида 21,1 процент, уруғлик жамғариб қўйиш планини 49,5 процент, ем-хашак жамғариб қўйиш планини 60 процент бажарди. Байроқ Қашқадарё областидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғи Тошкент область **Ўрта Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Аҳмедов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Назаров**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Мирёқубов**) берилади. Бу район дон экинлари йиғиштириб олиш планини 85 процент, шу жумладан кейинги 10 кун ичида 41,1 процент, давлатга дон сотиш планини 59 процент, шу жумладан кейинги 10 кун ичида 46 процент, уруғлик жамғариб қўйиш планини 80,3 процент қилиб бажарди. Байроқ Самарқанд областининг Пастдарғом районидан олиб берилади.

(Давоми 2-бетда).

ИШ МАЖБУРИЯТГА ЯРАША БЎЛСИН

МУСОБАҚАДОШ СИРДАРЁ ПАХТАКОРЛАРИ ОБЛАСТИМИЗ ДАЛАЛАРИДА!

Оққўрғон областимизнинг машҳал районларидан бири. Район деҳқонлари йилдан-йилга пахта ҳосилдорлигини ошириб, катта муваффақиятларни қўлга киритиб келмоқдалар. Пахтакорларнинг бу йилги ишлари ҳам катта. Улар далаларда ғўзаларни ҳосилдор қилиб етилтириш учун астойдил меҳнат қилишяпти. Биз район пахтакорларининг қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳақида гапириш билан бирга ҳозирги кунда ғўза парваришида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар устида тўхталиб ўтмоқчимиз. Чунки шу кунларда ғўза парвариши уюшқоқлик билан сифатли олиб борилса, кузда хирмон янада улкан бўлади.

Райондаги «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Свердлов номли. Димитров номли хўжаликларда дала ишлари кўнгилдагидек олиб бориляпти. Бу хўжалик деҳқонлари кун сайин ҳосилга-ҳосил қўшмоқдалар.

Биз сирдарёлик мусобақадошлар райондаги барча хўжаликларда бўлиб, пахтакорларнинг ишлари билан атрофлича танишдик. Райондаги кўпгина колхоз ва совхозларда ғўзаларни суғориш, культивациялаш ишлари ниҳоятда эътиборсизлик билан олиб бориляпти. Баъзи жойларда культивация саёз қилинаётган бўлса, баъзи пахта далаларида 10—15 сантиметр чуқурликда ўтказилмоқда. Ғўзани культивация қилишдаги бу тартибсизлик ҳосилдорликнинг пасайишига катта таъсир кўрсатади. Чуқур культивация қилинаётган хўжаликларда ғўзаларнинг илдизи қирқилиб кетади. Бундай жойларда гектар бошига олинадиган ҳосилдорлик 1,5—2 центнергача камайиб кетиши мумкин. Шу кунларда ғўза қатор ораларини 4—5 сантиметр чуқурликда культивация қилиш мақсадга мувофиқдир. Ғўзаларни суғориш ҳам камхарсалалик билан ўтказилмоқда. Баъзи қарталардаги ғўзалар хўжакўрсинга суғорилган. Натижада ҳозирдан бошлаб ғўза тепасидан гуллаб қолган. Бундан ташқари пайкалларда шарбат оқизиш ҳам суст олиб борилмоқда. Кўпгина хўжаликларда ҳалигача шарбат оқизиш ишларига киришилмаган.

«Оққўрғон» совхози районда салмоқли ўрин тутади. Бу хўжалик пахтакорлари 2600 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27—30 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаганлар. Шу кунларда совхоз далаларида ғўза парвариши ана шу мажбуриятга яраша олиб бориляптими? Биз мана шу саволга жавоб топиш учун хўжалик пахтазорларини кўздан кечирдик.

Шехи Назаров бошчилик қилаётган 5-бўлим деҳқонлари гектар бошига ҳосилдорликни 30 центнерга чиқариш учун курашмоқда. Лекин далаларда олиб борилаётган иш қониқарсиз аҳволда. Бўлимга қарашли 520 гектар пахтанинг 100 гектардан ортиғи бутунлай ривожланишдан қолган. Бу далаларда ҳар уч метрда олтмиштга хил бегона ўт учраши мумкин. Шунингдек, ғўзалар сувдан қолдириб юборилган. Чаққан ғўзалар ўсишдан ҳам, ҳосил тугишдан ҳам қолган. Бўлим бошлиғи тажрибали пахтакор бўлишига қарамасдан ғўза парваришини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Мана шу кескин аҳволни тезда тугатиш, 100 гектар майдондаги ғўзанинг нормал ривожланиши учун шароит яратиш лозим.

Юқори ҳосилли ҳисобланган Ҳамза номли колхозда ҳам ғўза парваришн эътиборсизлик билан олиб бориляпти. Айниқса бу хўжаликда сувдан қолган майдонлар кўплаб топилади. Колхознинг Ли Мон Сон бошлиқ бригадасида 35 гектар пахта майдонининг 28 гектари бутунлай сувдан қолиб кетган.

Ленин номли, «Заря коммунизма» колхозларида аҳвол бундан ҳам оғир. Ленин номли колхознинг Ким Мария бошчилик қилаётган бригадасида культивация ниҳоятда сифатсиз ўтказилмоқда. Тракторлар далаларда номигагина ишлаяпти.

«Гулистон» колхози пахта далаларини айланганимизда кўнгилсиз воқеанинг гувоҳи бўлдик. Колхознинг Огабек Қурбонов бригада даласида ғўза қатор ораларини культивация қилаётган тракторчи Умаралн Ҳайдаров ишни сифатсиз бажарган. Устига-устак тракторнинг иш органлари ғўзанинг ҳосил шохларини синдириб кетган.

Райондаги Киров номли, Энгельс номли, «Коммунизм», «Озод» колхозларида ҳам юқоридаги камчиликлар содир бўляпти. Бу хўжалик раҳбарлари дала ишларига қатъий контроллик қилиб ғўза парваришини сифатли ўтказиш учун барча чора-тадбирларни кўришлари лозим.

Юксак марраларни кўзлаб иш юритаётган оққўрғонлик пахтакорлар, дала ишларини мажбуриятга яраша олиб боришлари ,бутун имкониятларни ишга солиб, ғўзаларни ҳосилдор қилиб етилтириш учун курашишлари керак!

Қ. ҲАМЗАЕВ,
Сирдарё область, Дўстлик район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи.

Р. МАМАНОВ,
«Комсомол» совхози партия ташкилотининг секретари.

Н. ТУРАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратда: мусобақадош сирдарёлиқ ўзаро текшириш бригадасининг бир группа аъзолари Оққўрғон районидаги Киров номли колхоз пахта далаларида.

ПАРТИЯ ПЛАНЛАРИ ҲАЁТГА

(Бошы биринчи бетда).

Колхоз коммунистлари ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтириб коллективдаги ана шу ватанпарварлик гайратига бошчилик қилиб, социалистик мусобақани янада кенг авж олдириши, омманинг ташаббусини кўчайтириши, ҳамма куч ва резерврларни съезд қарорларини бажаришга сафарбар қилиши ўзларининг ҳозирги энг асосий вазифалари деб ҳисоблайдилар.

КПСС XXIV съезднинг тарихий ҳужжатларини янада чуқур ва аниқ бир мақсадни кўзлаб пропаганда қилиш ҳамда колхознинг ҳамма меҳнатчилари куч-гайратларини ўзлари олган оширилган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш мақсадида партия ташкилоти қуйидаги тадбирларни амалга оширишни белгилаб олди:

Партия йиғилишларида қуйидаги масалалар: «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II пленуми қарори ва колхоз коммунистларининг вазифалари», «Пахта териш ва давлатга топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш ишида коммунистлар билан комсомолларнинг авангардлик роли», «Колхоз ишлаб чиқаришига комплекс механизацияни жорий этиш» сингари масалалар муҳокама қилинади.

Партия-хўжалик активларининг йиғилиши ўтказилиб, унда чорвачиликнинг рентабеллигини ва маҳсулдорлигини янада ошириш ҳамда мустаҳкам озуқа базасини яратиш чоралари белгилаб олинади.

Колхоз партия комитети мажлисларининг кун тартибига: партия ва комсомол сиёсий маорифи системасидаги ўқув йилининг якунлари ва халқ сиёсий мактабларини ташкил этиш; КПСС XXIV съезди материаллари ва қарорларини пропаганда қилиш соҳасида дала шийпонларидаги оммавий-сиёсий ва лекция ишининг аҳволи; КПСС XXIV съезди қарорлари асосида касаба союз ташкилотининг иши тўғрисида; колхозда меҳнат унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти таннархини камайтириш чоралари тўғрисида;

КПСС XXIV съезди талаблари асосида партия сафларини ўстириш ва ёш коммунистлар ўртасида иш олиб бориш тўғрисида Фрунзе номли участка цех партия ташкилотининг ҳисоботи; ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш иши ҳақида; колхоз кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ҳақида деган масалалар киритилади.

Партия комитетининг ва пропагандист кадрларнинг бутун диққат эътибори партия ўқуви ва комсомол сиёсий маорифи системаларида КПСС XXIV съезди ҳужжатлари ва қарорларини ўрганишга бағишланган машғулотларнинг ғоявий мазмунини оширишга қаратилади. Ҳамма ишлаб чиқариш бригадаларида, чорвачилик фермасида ва механика устахонасида халқ сиёсий мактаблари тузилади.

Умумий иқтисодий таълим мактабларининг иши яхшиланади. Шу мактабларда съезд ҳужжатларида баён этилган иқтисодий масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Иқтисодий анализ кабинети ташкил этилади. «Колхозимиз янги беш йилликда» мавзуида иқтисодий конференция ўтказилади.

Клубда, қизил бурчакларда ва дала шийпонларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тавсия этган тематика асосида лекциялар, докладлар ва суҳбатлар мунтазам равишда ўтказилиб турилади. «Билим» жамиятининг аъзолари учун қамида ойда бир марта консультация ва семинарлар ўтказилади.

Колхоз радио узели базасида радио лекторий ташкил этилиб, «КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширамиз» деган туркузили эшиттиришлар берилади. Колхоз раҳбарларининг, колхоз ишлаб чиқариши мутахассислари ва илғорларининг радио лекторий орқали чиқишлари йўлга қўйилади. Энг ўқимишли коммунистлар ва комсомоллар ҳисобига агитация ходимларининг состави мустаҳкамланади. Сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчиларнинг колхозчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида мунтазам равишда лекция ва суҳбат ўтказишлари ташкил этилади, шу тариқа съезд материалларининг, шу материалдардаги буюк ғоя ва ҳикмат ва сафарбар қилувчи кучнинг моҳияти ва аҳамияти ҳар бир кишининг онгига, дилига сингдирилади.

Сиёсий ахборотчилар билан хўжалик олдида турган амалий вазифалар тўғрисида инструктив кенгашлар ва семинарлар мунтазам равишда ўтказилади. Агитаторлар ва сиёсий ташкилотчилар мактабининг мунтазам ишлаб туриши таъминланади.

Кўргазмали агитация воситалари КПСС XXIV съезди материалларини пропаганда қилувчи ва янги беш йилликда колхоз олдида турган конкрет вазифаларни тушунтириб берувчи, шунингдек илғор бригадалар ва илғор колхозчиларнинг меҳнатдаги муваффақиятларини тасвирловчи янги стендлар, панно-лар, шиорлар, плакатлар, транспарантлар билан тўлдирилади.

Кўргазмали агитацияннинг ҳамма воситалари ва колхоз радио узели орқали мусобақа натижалари ҳаммага маълум қилиб турилади, мусобақага ҳар ўн кунда якун ясалади. Энг яхши бригадалар, звеноларга, пахта териш машиналарининг экипажларига бериш учун учта кўчма байроқча таъсис этилади. Жанговар варақаларда ва «Молния» варақаларида, деворий газетада социалистик мусобақанинг бориши батафсил ёритилади.

Гўза парваришн ва пахта терими даврида дала шийпонларида сиёсий ишни ва колхозчиларнинг маданий дам олишини ташкил этишга алоҳида эътибор берилади. Ҳамма дала шийпонлари кўргазмали агитация воситалари билан, янги газеталар ва журналлар, кўчма кутубхоначалар, стол ўйинлари билан таъминланади, дала шийпонлари радиолаштирилади. Дала шийпонларида агитаторлар билан сиёсий ахборотчилар мунтазам иш олиб борадидар.

Одамларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш мақсадида камида бир ойда ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ветеранлари билан, колхознинг энг яхши кишилари билан учрашувлар ўтказилиб турилади. «Фахрий колхозчи» унвони таъсис этилади ва шу номни бериш тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилади.

Юқори синфларнинг ўқувчиларига касб ўргатишни яхшилаш ишида мактабларга доимий ёрдам берилади. Ўқувчиларга деҳқоннинг меҳнатига ҳурмат билан қараш сингдирилади. Мактабни битириб чиққан ҳар бир йигит ва қиз қишлоқ хўжалиқ машиналарини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни етуклик аттестатига қўшиб олишга эришади.

Колхозда йигирмадан ортиқ миллат фарзандлари яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Шуни ҳисобга олиб, партия ташкилоти меҳнатчиларни СССР халқлари дўстлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беришни зарур деб ҳисоблайди. Мамлакатимиз халқларининг энг яхши анъаналари ва маросимлари колхозчилар турмушига жорий этилади. Интернационал тарбия халқ университети тузилади.

Шу йил ноябрь ойида интернационал дўстлик кечаси ўтказилади. Шу кечага Янгийўл шаҳрининг оталиққа олган ташкилотлари ва Янгийўл районидаги мусобақадош «Қизил Октябрь» колхозининг вакиллари таклиф этилади.

Колхозда кинофестиваль, газетхонларнинг конференциялари, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари ташкил этилади. Бу тадбирлар «Эркин республикаларнинг бузилмас иттифоқи», «Ленин иши яшайди ва галаба қозонаверади», «Партия—раҳнамомиз» деган ва бошқа мавзуларга бағишлаб ўтказилади.

Интернационал тарбияга доир ишларнинг ҳаммаси «СССР ташкил этилган кунинг эллик йиллигини муносиб кутиб оламиз» деган шиор остида ўтказилади.

Меҳнаткашларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш янада авж олдирилади. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалоқ бўлган 264 ҳамқишлоқ жангчига ўрнатилган монумент ёдгорлик ёнида ёшларни комсомолга ва пионерга қабул қилиш, Совет Армияси сафларига тантанали равишда узатиб қолиш, Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, билан ёшларнинг учрашувлари ўтказиб турилади. Колхозда жанговар,меҳнат шуҳрати ва интернационал дўстлик музейи очилади.

Хотин-қизлар орасида ғоявий-тарбиявий ишлар кучайтирилади, улар колхознинг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётига актив жалб этилади, меҳнаткаш хотин-қизлар учун самарали ишлаш ва дам олиш шароитлари яратиб берилади. Колхозчиларнинг болалари учун кеча-кундуз ишлайдиган ясли ва боғчалар очилиб, улардаги болалар текин кийим бош билан таъминланади.

Клуб ва кутубхона фаолияти яхшиланиб, улар қишлоқ меҳнатчилари орасида маданий оқартув ишлари ўтказиладиган асосий марказларга айлантирилади. Кутубхона активлари ҳар бир уйда истиқомат қилувчи кишиларнинг китоб ўқишига эришадилар.

Оммавий физкультура ва спорт иши ҳар томонлама ривожлантирилади. Бутуниттифоқ физкультурачилар кунида спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

ПОЙТАХТ ҒАЛЛАКОРЛАРИ, БАЙРОҚ МУБОРАК!

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Қашқадарё областидаги **Охунбобоев** номли совхозга (директори ўртоқ **Норқобилов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Мирзаев**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Апасов**) берилади. Бу совхоз дон экинларини интиштириб олиш планини 86,6 процент, шу жумладан, кейинги 10 кун ичида 35 процент, давлатга дон сотиш планини 15,4 процент, навли уруг тайёрлаш планини 55 процент, уруглик жамғариб қўйиш планини 82,2 процент ва ем-хашак жамғариб қўйиш планини 188,5 процент бажарди. Байроқ Сирдарё областидаги «Ударник» совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи марказлаштирилган тартибда юк ташувчи **Тошкент шаҳар автотрестининг терма автоколоннасига** (автоколонна бошлиғи ўртоқ **Улубабов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Сандов**, группа касаба союз ташкилотчиси ўртоқ **Жевлаков**) берилади. Бу автоколонна кейинги 10 кун ичида дон ташиш планини 118 процент бажарди. Байроқ Фарғона область юк ташиш автотрестининг 20-Қўқон автобазасидан олиб берилади.

ЧОРВАЧИЛИК—КОМСОМОЛЛАР ОТАЛИҒИДА

Колхоз ва совхозлар биринчи галда чорвачиликни юксалтиришнинг негизи бўлмиш озуқа базасини мустаҳкамлашлари керак, деб уқтирилди КПСС XXIV съездида. Областимиз комсомоллари бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун кураша бориб, дагал озуқалар тайёрлаш ойлиги ўтказишга қарор қилдилар. Шу кеча-кундузда озуқа тайёрлаш ойлиги қизғин давом этмоқда. Ўз сафига 2,5 мингдан ортиқ йигит-қизни бирлаштирган 159 комсомол-ёшлар бригадаси қишлоқларда чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш билан банд. Ҳозиргача улар қўли билан 125 минг тонна дагал хашак ва бошқа хил чорва озуқаси тайёрланди.

Ойликда қатнашаётган комсомол-ёшлар бригадалари муваффақиятларидан ҳикоя қилувчи қувончли хабарлар область комсомол комитетига кетма-кет келиб турибди. Комсомол аъзоси Суннат Қурбоналиев бошлиқ бригада коллективи шу кеча-кундузда Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхозида дагал озуқа тайёрлаяпти. Бригадага ишчан, ташаббускор йигит-қизлардан 120 киши бирлашган. Улар мавсум давомида 1260 тонна озуқа тайёрлаш мажбуриятини олишган. Азаматлар ўз сўзларининг устидан муваффақиятли чиқишаяпти. Ҳозиргача улар қўли билан гарамланган дагал озуқа 700 тоннадан ошиб кетди. Бригада коллективи меҳнат қилаётган жойларда дала шийпонлари ишлаб турибди. Меҳнатдан сўнг комсомолларнинг маданий дам олиши, ҳордиқ чиқариши намунали уюштирилган.

Районнинг бошқа хўжаликларида ҳам дагал озуқа ҳозирлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Мавжуд 11 колхоз ва икки совхозда ташкил этилган комсомол-ёшлар бригадалари район бўйича тайёрланадиган 25 минг 242 тонна озуқанинг 80 процентини йиғиб беришга аҳд қилганлар.

Областимизнинг Янгийўл, Бўстонлиқ, Оржоникидзе районларида ҳам комсомоллар оталиғида мўл озуқа базаси яратилмоқда. Айни пайтда комсомоллар чорвачилик фермаларидаги ишларни тўла механизациялаштиришда ҳам қатнашмоқдалар.

Ўтган давр ичида Янгийўл шаҳар саноат корхоналари ўз оталиқларидаги хўжаликларга айниқса, кўп ёрдам кўрсатдилар. «Нормаль» заводи «Октябрь 40 йиллиги» колхози эҳтиёжлари учун 1180 сўмлик эҳтиёт қисмлари ва бошқа хил механизмлар етказиб берди. Биохимия заводи эса Калинин номли колхозга уч тонна озуқа ачитқиси, 83 тонна сульфат аммонийси юборилди. Корхона мутахассислари қўли билан олтита насос қурилмаси ремонт қилиб берилди. 8-гишт заводлари бошқармаси «Ленинизм» колхозида қурилаётган чорвачилик фермалари учун ёрдам сифатида 150 минг дона гишт етказиб берди.



Тошкент ГРЭСининг ўн битта энергоблоки халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун кўплаб нур етказиб бермоқда. Энергетиклар станциянинг мураккаб асбоб-ускуналарини моҳирлик билан бошқараётганликлари учун давлат планлари доим ортиғи билан адо этиляпти. Суратда: смена бошлиғи В. Цветков, навбатчи З. Шмакова ва инженер А. Бабичев ўртоқлар станциянинг марказий бошқарув пультида.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети галла ўриш, давлатга дон топшириш, уруглик фондлари, ва ем жамғариш ҳамда дон ташиш юзасидан районлар, совхозлар, колхозлар ва автоколоннлар ўртасида бошланган мусобақанинг 1971 йил 11 июлигача бўлган натижаларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районида** (район партия комитетининг секретари **С. А. Аҳмедов**, район ижроия комитетининг раиси **А. И. Назаров**, район комсомол комитетининг секретари **М. Э. Отақулов**, қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Т. М. Мирёқубов** ўртоқлар) қолдирилди. Район мавжуд майдонлардаги галла ўриш планини 91,7, давлатга дон сотишни 46,2, уруглиқни 68,3 ва ем жамғариш планини 80,3 процент бажаришга эришган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги **«Галлақудуқ» совхозида** (директори **Г. П. Гриценко**, партия ташкилотининг секретари ва бош агрономи **И. Султонов**, ишчилар комитетининг раиси **К. Ким**, бош инженер **Г. Н. Цой** ўртоқлар) қолдирилди. Совхоз экин майдонидаги ҳосилни 100 процентини ўриб олган, давлатга галла топшириш планини эса 121,7, уруглик жамғаришни 100,0, ва ем жамғаришни 114,7 процент қилиб бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Бўстонлиқ районидаги **Фрунзе номли колхозга** (раиси **П. Разов**, партия ташкилотининг секретари **М. Бердиалиев**, бош агроном **К. Абдуқулов**, колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари **Н. Ўринтоев** ўртоқлар) берилди. Колхоз экилган майдондаги галланинг 53,8 процентини йиғиштириб олган, давлатга дон топшириш планини 67,5 ва ем жамғаришни 22,0 процент бажарган.

Байроқ Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **74-Тўйтепа автоколоннасида** (бошлиғи **С. Қорабоев**, партия ташкилотининг секретари **У. Абдуллаев**, ишчилар комитетининг раиси **Э. Шерматов** ўртоқлар) қолдирилди. Автоколонна галла ташиш планини 88 процент қилиб бажарган.

НАВҚИРОН ЁШЛИ ШАҲАР

(СОЦИАЛИСТИК АНГРЕН 25 ЁШДА)

13 июлда социалистик Ангрен меҳнаткашлари ўз шаҳарларининг чорак асрлик юбилейини тантанали нишонладилар.

Эрталабданоқ ҳамма ерда — корхоналарда ва қурилишларда, ташкилотларда ва муассасаларда, шаҳар кўчалари ва майдонларида хурсандчилик кайфияти мавж урди. Шаҳар байрам либосини кийган. Меҳнаткашлар Ангреннинг йигирма беш йиллик тўйини зиммаларидаги вазифаларни муваффақиятли бажариш билан кутиб олганликлари қувонч устига қувонч қўшди.

Ангренликлар ўтган беш йилликда самарали ишлашди. КПСС XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Эндиликда шу съезд қарорларини амалга ошириш учун янги куч, мисли кўрилмаган ижодий ғайрат билан ишламоқдалар. Маҳсулот реализация қилиш ярим йиллик плани муддатидан илгари — 20 июнда тўла бажарилди. Қўшимча 1 миллион 704 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Карнай садолари байрам тантаналари бошланганидан дарак бергач, минглаб меҳнаткашлар «Шахтёр» стадиони, «Ангрен шаҳрининг йиллиги» истироҳат боғи томон йўл олдилар. Барча коллективларнинг вакиллари—кончилар ва бинокорлар, энергетиклар ва транспортчилар, ўқув юртлари, маданий-маиший муассасалар ходимлари бирин-кетин кела бошладилар.

«Шахтёр» стадионида катта умумшаҳар митинги бўлди. Тантанали митингда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ғуломов Ангреннинг йигирма беш йиллиги ҳақида доклад қилди. Ўтган чорак аср мобайнида шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарди. Унинг саноат ва иқтисодий қудрати беқиёс ошди. Меҳнаткашларнинг маданияти ва турмуши кескин яхшиланди.

Митингда сўзга чиққан ўқитувчи Ф. Ҳолиқов, геолог В. Захаревич, шаҳар комсомол комитетининг секретари А. Шамсуддинов ва бошқалар шаҳарнинг қандай юксалганлиги, областимизнинг йирик саноат марказларидан бирига айлангунча босиб ўтган йўли ҳақида гапирдилар.

Митинг қатнашчиларини шаҳар пионерлари, Олмалиқ, Янгиобод шаҳарлари ва Бўка райони меҳнаткашлари вакиллари табриклашди. Митингда область партия комитетининг секретари Н. И. Малихин нутқ сўзлади.

Юбилей кенг нишонланди. Спортчиларнинг чиқишлари бўлди. Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари шаҳар меҳнаткашларига хизмат қилдилар. Меҳнат ветеранлари ва ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар, халқ сайллари ўтказилди. Шаҳарда юбилей тантаналари ярим кечагача давом этди.

Галина Симонова бундан икки йил муқаддам ўрта мактабни тугаллаб, «Учқун» тўқимачилик-га лантерея фирмасига ишга кирган эди. Ҳозир у илғор тўқувчилар сафига етиб олган. Нормани доим ортиғи билан бажаряпти. Суратда: ўртоқ Г. Симонова.

М. Нуриддинов фотолари.

ЯНГИ ТЕХНИКА

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати доимо уқтириб келаётганидек, илмий-техника тараққиёти социалистик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг бош омилларидан биридир. Илмий-техника тараққиёти совет халқининг маданий ва моддий бойликларини янада системали ва тез кўпайтиришга ёрдам беради.

КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди бор имкониятни, куч-қудратни, эътиборни фан ва техниканинг янги ютуқларини тез суръатлар билан саноатга жорий қилиш партия ва совет органлари олдида турган шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Негаки, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этмай, туриб самарадорликни ошириб бўлмайди.

Ўтган бешйиллик даврида республикамиз саноат корхоналари ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида янги техника ва технологияни жорий қилиш, автоматлаштириш ва механизациялаш борасида бир ярим мингга яқин тадбир жорий этилди. Бу давр ичида комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган поток линиялари сони икки марта ўсди. Натижада халқ хўжалигимиз фақат шунинг ўзидан саксон миллион сўм фойда олди.

Республикамизнинг кўп меҳнат талаб қиладиган соҳаси—пахтачиликда иш жараёнлари 1966 йилда йигирма беш процент механизациялашган бўлса, 1970 йилда бу кўрсаткич 34 процентга етди. Чунки республикамиз олимлари ва конструкторларининг ҳамкорлигида деҳқонларнинг оғир меҳнатини енгил қилувчи «Ўзбекистон» пахта териш машинаси яратилди. Бу машина бир мавсумда 350 теримчининг ишини бажаради.

«Таштекстильмаш» заводида яратилган йигирув машинаси республикадагина эмас, балки мамлакатимизнинг кўпгина тўқув фабрикаларида ҳам жорий қилинди. Бу эса ўз навбатида жуда катта иқтисодий фойда бермоқда. Беш йиллик мобайнида республикамиз ихтирочилари ва рационализаторлари 124 мингта яқин таклиф киритдилар. Шу ҳисобдан халқ хўжалиги 162 миллион сўм иқтисод қилиб қолди.

Шундай қилиб, илмий-техника тараққиёти иқтисод фани ролини янада оширмоқда. Негаки, иқтисодий билимларни пухта эгалламай туриб планлаштиришни такомиллаштириш, халқ хўжалигини бошқариш, прогрессив технология, механизация ва автоматлаштиришни муваффакиятли жорий этиш мушкул вазифа. Янги техника ва технологиянинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши иқтисодий самарадорлик масаласи билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда янги техникани саноатга жорий қилиш кутилган даражада яхши олиб борилмаяпти. Баъзи ҳолларда бу ишда кўп нуқсонларга йўл қўйилмоқда: техникани жорий қилиш учун кетган вақт, тадбирнинг самарадорлигини белгилаш ва бошқа факторлар тўғри ҳисобга олинмайди. Иқтисодий самарадорликнинг ҳақиқий ҳажми нотўғри кўрсатилиши оқибатда техника тараққиёти суратига салбий таъсир этади.

Республикамиз саноатида меҳнатнинг техника билан қуролланиши ўсиб бораётганига қарамай, қўл меҳнати салмоғи ҳали ҳам баланд ва у ишлаб чиқариш учун сарф қилинган кучнинг 55 процентини ташкил этади. Бу ҳол аввало машинасозлик ва металл ишлашда, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, мебель ва тахта ишлаш корхоналарида яққол кўзга ташланади.

Қўл меҳнатининг салмоғи юқорилигига асосий сабаб шундаки, кўп ҳолларда асосий ишлаб чиқариш механизациялаштирилган бўлиб, ёрдамчи ишлаб чиқариш (юк ортиш-туширишь, склад, транспорт ишлари ва бошқалар) операцияларини механизациялаштириш даражаси жуда паст. Ёрдамчи ишлаб чиқаришда эса саноатда банд бўлган ишчиларнинг ярми ишлайди.

Агар химия саноатининг асосий ишлаб чиқаришида механизациялашган меҳнатда 87 процент ишчи ишласа, ёрдамчи ишлаб чиқаришда эса механизациялашган меҳнатда 26 процент ишчи ишлайди, енгил саноатда шунга мувофиқ 77 ва 28 процент, озиқ-овқат саноатида 62 ва 31 процентга тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, республикамизда ёрдамчи ишларнинг механизация салмоғи асосий ишларнинг механизация салмоғига яқин бўлган саноатнинг бирор тармоғи йўқ.

Айниқса кўп вақт оладиган ва меҳнат талаб қиладиган юк ортиш-туширишь ишларини механизациялаш паст даражада. Масалан, мебель ва тахта ишлаш саноати корхоналарида юк ортиш-туширишь ишларининг 40 процента механизация ёрдамида бажарилади. Бу кўрсаткич енгил саноат корхоналарида 58 процент, маҳаллий саноатда — 30 процент, гўшт ва сут саноатида —36 процент, озиқ-овқат саноатида — 53 процент ва баъзи корхоналарда, масалан, «Шарқ» фирмасида хатто 24 процентга тўғри келади.

Айни вақтда ёрдамчи ишларни механизациялаш жуда катта иқтисодий самара беради: ишлаб чиқаришда меҳнатни тежайди, чунки мураккаб бўлмаган механизация ускуналари (юкни автоматик тарзда ортувчи машиналар, штабелерлар, транспортерлар ва ҳоказолар) асосий ишлаб чиқаришдаги мураккаб, қиммат ва махсус асбоб-ускуналарга қараганда анча арзон туради.

Янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этишда комплекс планлаштириш муҳим роль ўйнайди. Акс ҳолда корхонанинг бирон участкасида кескин ўзгариш ясалади-ю, шу участка билан бевосита алоқада бўлган иккинчи участкада сезиларли ўзгариш юз бермайди. Бу эса корхонанинг барча тармоқларини бир йўла прогрессив техника ва технология асосида ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

МОСКВА, СССР Фанлар академиясининг К. А. Тимирязев номидаги Ўсимликлар физиологияси институтида бир группа илмий ходимлар ўсимликларнинг совуққа чидамлилиги физиологияси масалалари устида самарали иш олиб бормоқдалар.

Бу илмий ишларга СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. И. Туманов раҳбарлик қилмоқда. Суратда: И. И. Туманов совуққа чидамли буғдой ниҳолларини кўздан кечирмоқда.

Б. ТРЕПЕТОВ ва С. ПРЕОБРАЖЕНСКИЙ фотоси.

ДЕҲҚОН ҚУВОНЧИ

ЛАВҲА

Саратон офтоби уфққа ёнбошлади-ю, ҳарорат пасайди. Аста-секин пахтазор оқшоми қуйилиб, танга роҳат бағишловчи енгил шабада қанот ёйди.

«Пўлат оти» жиловини дадил тутиб, ғўза қатор ораларини упадек юмшатган Сайфиддин жўякларни кўз илгамай қолгандан кейингина универсалини дала шийпони ёнига «қантарди». Шийпон ёнида шилдираб оқаётган муздек сувда қўл-бетини ювди-да, бир нафас қадрдон далаларига тикилди.

Пахтазор оқшоми нақадар сўлим! Меҳр билан қилинган парваришдан кейин ниҳоллар янада қулф уриб, далалар янада файзли, янада гўзал кўринади кўзга. Эрта баҳордан бери тўкилаётган тер зое кетмаётганлигидан кўнгил ҳушнуд тортиб, ўзингни бардам сезасан, киши.

Сайфиддин ўз ўйлари билан бўлиб турганида ҳали қўшни бригадага кетган Ғафуржон ака келиб қолди. Унинг меҳрибон қарашларидан нимадандир мамнунлиги сезилиб турарди.

— Ҳорманг, Ғафуржон ака, — деди Сайфиддин ҳўлланган қийиқчасини эшиб пешонасини тангир экан, — хурсанд кўринасиз, мусобақадошларимизнинг иши тузукми?

— Ҳа, чакки эмас, — жавоб берди бригадир,— беллашишдан мақсад — бир-биримизни ўзиб кетиш, шу билан бирга бир-биримизга ёрдам бериш, суянчиқ бўлиш, баравар баракали хирмон кўтариш-да. Универсаллар яхши ишлаб турибди, чанқаб қолган ғўза йўқ, олди пайкаллардан тўрт-бештадан гул, икки-учтадан кўсак санадим. Астойдил бел боғлашиб, ғайрат қилишяпти, азаматлар.

Шунда Сайфиддин Ғафуржон акага бошқачароқ қараб қўйди. Унинг бу қарашидан «Бизда-чи, бизда иш яхши бормаптими? ғўзаларимиз серавж, ҳосилга кириши чакки эмас, нима, мусобақадошлардан қолишадиган еримиз борми?» деган маънони тилида айтмаса ҳам, дилида пайдо бўлган фикрни бригадир дарров пайқаб олди.

— Сизлар ҳам қойил қилаяпсизлар, бўш келмадинглар, мусобақа шартларини ўрнига қўяяпсизлар, — деди у Сайфиддиннинг юрагидагисини топиб, — бу оқшом ана у ўн гектарлик картани сувдан чиқарсак, яхши бўлади, эртага уялиб қолмаймиз.

Сайфиддин бригадирнинг нимага шама қилаётганлигини биларди. Эртага ўн кунлик якунланади. Мусобақа голиблари аниқланади. Улоқни ким оларкин? Бизнинг бригадамизми ёки Тўйчивой акалар бригадасими? Ҳар ҳолда бу сафар ҳам байроқ қўлимиздан кетмаслиги керак.

Суғбат шу ерга етганда Сайфиддин бир пиёла чой ичмоқ учун шийпонга, Ғафуржон ака бўлса сувчилардан хабар олгани ўша картага йўл олишди.

Атрофга тун чодирини ёйган эди. Пайкалнинг у чети, бу четида — фонарь шуъласи. Демак, сувчилар иш бошида. Ғафуржон ака пайкал четидаги ёлгиз оёқ йўлдан борарди. Ўқ ариқдан сув равон оқяпти. Бу томонидан ташвиш йўқ. Ҳамма гап тонггача астойдил енг шимариб, ҳаракат қилишда қолган.

Эргашвой ака, Умарали, Абдураимларга ишонса бўлади: меҳнаткаш, ишнинг кўзини биладиган, жонкуяр кишилар. Ана шу миришкорлар билан эрта баҳордан мўл ҳосил учун астойдил кураш бошланди. Етилган ерларга оби-тобида сара уруғ ташланди, ниҳолларнинг қатор ораларига ишлов беришга ҳам вақтида киришилди. Сув керакми, ўғит керакми, ҳаммаси меёрида бўлди.

Ҳар кунгидай бугун ҳам Ғафуржон ака шу ерда қолди. Сувчилар билан бирга дала шийпонида овқатланди. Сувчиларга мадад берди. Ҳафсала билан таралган сув жўяклардан сокин оёқлаб борарди. Куни бўйи саратон ҳароратидан қоратмтир тортган ғўзалар муздек оби-ҳаётдан баҳра оларди. Худди нафасма-нафас кўкка бўй чўзаётгандай гуркираб кўринарди деҳқон кўзига....

Тонг отди. Бундан икки-уч кун илгари сув таралган карта мана бугун қўлдан чиқди. Белгиланган ўн кунлик график ҳам бажарилди. «Оқ олтин» ишқида ёнган мана шу кишилар қуёшни қаршилаб, шийпонга йўл олишаётганда тунги меҳнат завқи кундузги ҳаёт авжи билан алмашди. Дала шийпонида тунаган Сайфиддин ишни уйқусида бос, деган бободеҳқонларнинг ҳикматларига амал қилиб, аллақачон «пўлат оти»ни далага олиб чиққан эди. Универсалнинг гуриллаши пахтазор осмонида баралла парвоз этарди. Шу тонгда ўзаро текшириш комиссияси дала айланишди. Культивациянинг сифатини, сувчиларнинг маҳоратини, ғўзалар олаётган ҳосилнинг чўғини бирма-бир кўздан кечириб чиқишди.

Чакки эмас, «Бу сафар ҳам байроқ шу Ғафуржон ака бригадасида қоладиганга ўхшайди» деб кечанинг ўзидаёқ фикрларини айтиб қўйишган эди. Яна ким билсин, улар ҳали замон Тўйчивой акалар бригадасида ҳам бўлишади. Икки бригаданинг ишини бир-бирига чоғиштириб кўришади. Ана шунда кимнинг голиблиги маълум бўлади қолади...

Тушга яқин Ғафуржон ака бригада аъзоларига хушхабар келтирди. Ингилиш шу бригада дала шийпонида ўтказиладиган бўлибди. Демак, масала ойдин. Механизатор Сайфиддиннинг ҳам, сувчилар Умарали, Абдураим, Эргашвой аклларнинг ҳам, Муҳаббат опа, Тожихон опа сингари бригаданинг меҳнатсевар аёлларининг ҳам юзларида табассум кезади.

Овқат вақтида дала шийпони тавжум бўлди. Бўлим бошқарувчиси Абдуғани ака Тошматов шу ерда. Унинг ўн кунлик натижасини ўртага ташлагани келганлигини ҳамма биларди. Шунинг учун ҳам йиғилганларнинг кўзлари бўлим бошқарувчисига тикилган. Қўшни бригада бошлиғи Тўйчивой ака Қаюмов, миришкор сувчиси Тоживой ака Хўжақулов вакил бўлиб келишган.

— Ҳамма йиғилдими? — атрофга бир-бир кўз ташлаб чиққан Абдуғани ака деди ниҳоят. — Мана бригадалараро ўзаро текшириш комиссияси аъзолари ҳам шу ердалар. Улар бу ўн кунликда бўлимизнинг икки бригадасида айниқса ғўза парваришида яхши олиб борилганлигини аниқлашди. Тўйчивой акалар бригадасида ғўзанинг авжи, ҳосил олиши чакки эмас. Культивация ҳам, сув ҳам меёрида вақтида ўтказилган. Аммо, бир-икки гектарлик картада бироз ўт бор экан...

— Ўзимиз ҳам шунисидан жуда ҳижолат бўлдик, — ўзини тутиб туролмай гапириб юборди Тўйчивой ака, — шу бугунок...

Ўртада кулги кўтарилди. Бўлим бошқарувчиси йиғилганларни тинчитиб, сўзида давом этди.

— Ғафуржондарнинг бригадасида ғўзанинг ҳосил олиши текшириш комиссияси аъзоларини хурсанд қилди. Ҳар тупдаги учтўртдан кўсак бригада аъзоларининг астойдил меҳнатларидан дарак бериб турибди.

Абдуғани ака йиғилганларнинг қарсаклари билан бригадага бир юз эллик сўм пул мукофоти тошширди. Бригада бошлиғи Ғафуржон аканинг қўлига соат тақиб қўйди. Механизатор Сайфиддин Саидов пул мукофоти билан тақдирланди. Муҳаббат опа билан Тожихон опалар бир кийимдан атлас олишди. Бу бригаданинг мўл ҳосил иштиёқида қилган фидокорона меҳнатининг меваси эди.

Абдуғани ака Тошматов бошқараётган бўлим бу йил олти юз ўн гектар майдоннинг ҳар гектаридан йигирма олти центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Мусобақадош Ғафуржон ака бригадасида бир юз ўн олти гектар ерда, Тўйчивой акалар бригадасида бир юз ўн икки гектар ерда юқори ҳосил учун кураш кетаяпти. Бу курашда Ғафуржон ака Маҳмудов бригадаси голиблик қилаяпти. Қандини урсин, ҳаракатдан баракат, дейишлар. Шу долзарб кунларда тер тўкиб, олтинпаз даларининг қадрига етган миришкор қўли баланд бўлади. Кузда мўлжаллаган баракали «оқ олтин» хирмони қад кўтаради.

Голибларга шу эзгу ният йўлида бардамлик тилаймиз.

У. ЖОНГИТОВ,
А. МИРЗААҲМЕДОВ.
Бекобод райони, 2-«Далварзин» совхози.

ХАРИДОРЛАР МИННАТДОР

Бизнинг маҳалламизга келсангиз, атрофи сув сепилиб чиннидек тоза қилиб супурилган магазинга кўзингиз тушади. Ичкарига киришингиз билан кўнглингиз хушнуд тортади. Негаки савдо ходимлари сизни хушмуомалалик билан қарши олишади. Истаган маҳсулотингизни топиб беришга ҳаракат қилишади.

Магазинга 1956 йилдан бери Абдурашид Исматуллаев мудирлик қилиб келмоқда. Илгари ҳатто белгиланган планни ҳам бажара олмай, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиролмай келаётган магазин Исматуллаев келганидан кейин 2—3 ҳафта ўтмасданоқ харидорлар эътиборини қозонди. Янги мудир бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли талабларини, нималарга кўпроқ эҳтиёжлари борлигини яхши ўрганди.

Ана ўшандан бери магазинда нимаки истасангиз вақтида топилади. Гўшт, гуруч, чой, ун, макарон ҳаммаси муҳайё.

Мана ёзнинг иссиқ кунлари бошланди. Ноз-неъматлар пишиб етилиб, деҳқонлар уларни шаҳарлик дўстларига тортиқ этмоқдалар. Бу ноз-неъматларга талаб катта. Ўртоқ Исматуллаев ана шуни ҳисобга олган ҳолда магазин ҳузурида сабзавот, картошка, ҳўл мева билан савдо қилувчи бўлим очди. Бу «Кўкча», «Оқлон», «Авангард» маҳаллалари аҳолисини жуда-жуда мамнун қилди. Улар вақти бемаҳал бозорга катнаш ўрнига истаган ёз ноз-неъматларини мана шу магазиндан харид қила оладиган бўлдилар.

Ҳозир магазинда ойлик ва квартал планлари доимо ортиғи билан бажарилмоқда. Абдурашид Исматуллаев, Ҳолида Абдуллаева, Ғайбулла Ҳикматуллаев, Карима Ғафурова ўртоқлар ўзлари савдо қилаётган 20-магазин обрўси учун курашмоқдалар. Аҳолига маданий савдо хизмати кўрсатиб, уларнинг ҳурмат-эътиборларига сазовор бўлмоқдалар.

Г. УСМОНОВ,
А. АБДУЛЛАЕВ,
пенсионерлар.



НОВОСИБИРСК. «Бор-60» реакторни бошқариш пульти жойлашган залда. Суратда: смена бошлиғи инженер Ю. В. Васильевич (чапда) ва бош инженер С. В. Киселев ўртоқлар навбатчилиқда.

В. КОШЕВОЙ фотоси.

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

ХАТЛАРНИ ЎҚИБ

Шифокор! Бу шарафли касб эгаларининг ҳиммати баланд, мақсадлари улуғ. Оқ халатли меҳрибонларни биз «шифокорим» деб фахр билан эъзозлаймиз.

Редакциямизга келаётган хат-хабарлар орасида ана шу меҳри дарё саховатли қалб эгаларининг шу кунларда олиб бораётган ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар ҳам бор.

Газетхон **С. Холбеков** Юқори Чирчиқ райони санитария ходимларининг иш фаолияти ҳақида мароқланиб ёзади.

Чирчиқдаги медицина билим юртида эса кўпгина тажрибали моҳир врачлар ёшларнинг пухта билим олишлари йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Яқинда билим юртини мутахассис ёшларнинг янги отряди битириб чиқди. Бу ҳақда газетхонлардан **Т. Сиҳарулидзе** ва **У. Набиевалар** бизга хабар қилишган.

Газетхонлардан **Т. Тўқлибоев** ва **Р. Умаралиевларнинг** материали «Саломатлик пособни» деб номланган. Унда Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхознинг шифокори А. Аҳмедов ҳақида гап боради. Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози территориясида жойлашган 282-дорихона мудири Х. Содиқовнинг ибратли ишлари ҳақида газетхон **Т. Усмонов** хабар ёзиб юборган.

«Чўққиларни кўзлаб», «Тонг оқшоми», «Меҳрибон шифокор», «Саломатлик пособни», «Колхоз врачи» сарлавҳали материаллар ёш шифокор Р. Содиқова, хирург Р. Боқиев, шифокор Т. Ўташбоева, врач Н. Тошпўлатов ва бошқалар ҳақида ёзилган. Материал авторлари **Х. Абдужабборов, М. Қориев, А. Маллабоев** каби ўртоқлар шифокорлар ширин-суҳанлиги билан беморларнинг иззат-ҳурматини қозонаётганликларини айтишган.

Пенсионер **Манзура она Назарова** Б. Маҳкамова, О. Собирова, Х. Очилова каби шифокорларнинг Тошкентдаги 17-шаҳар касалхонасининг фахри бўлиб қолганлигини илиқ сўзлар орқали баён этади.

Шунингдек, **Е. Мордухаев, Ф. Нурматов, А. Партной** каби газетхонлардан ҳам материаллар олинди.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа хатларни ўқиганингда оқ халатли меҳрибонларга яна бир бор таҳсин айтгинг келади.



ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги союз НИХИ посёлкаси аҳолиси 14-болалар боғчаси ишидан жуда мамнун. Тажрибали педагог Шаҳодат Авазматова мудирлик қилаётган бу муассасада институт илмий ходимларининг болалари яхши таълим-тарбия олишяпти. Суратда: болалар амалий машғулот пайтида.

Н. АБДУРАСУЛОВ фотоси.

ДУНЁ ОВОЗИ

чет эл хабарлари

МАРОКАШДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

РАБОТ, 13 июль. (ТАСС). Марокаш короли Хасан II бош министр А. Лараки, ички ишлар министри М. Уфкир ва марокашлик бошқа раҳбарлар қатнашувида кенгаш ўтказди. Бу кенгашда муваффақиятсиз чиққан давлат тўнтаришидан сўнг мамлакатдаги аҳвол муҳокама қилинди. Кенгаш тугаганидан сўнг король ҳарбий исён чоғида ҳалок бўлган полковник Буазз Булхимез ўрнига подполковник Арзаз ал Хожани король жандармериясининг қўмондони қилиб тайинланганлиги эълон қилинди.

Работдан олинган хабарларга кўра, шаҳардаги аҳвол нормал изга тушиб бормоқда. Транспорт ҳаракати бошланди, мактаблар ва магазинлар очилди, турли жамоат ва давлат муассасалари нормал ишлаб турибди, танклар ва бронемашиналар Работ кўчаларидан олиб чиқиб кетилди.

Айни маҳалда Марокаш пойтахтидан эълон қилиндики, барча резервчилар ҳарбий хизматга чақирилди ва улар 30 кун мобайнида қайта тайёргарликдан ўтадилар.

Мамлакатнинг катта шаҳарларидан Касабланкадаги ҳамма маъмурий вазифаларни королнинг фармойишига биноан у ерга юборилган қўшинлар ўз зиммасига олди. Касабланка порти ёпиб қўйилди, шаҳарга кирувчи ва чиқувчи транспорт қаттиқ текширишдан ўтказилмоқда. Махсус қўшин бўлинмалари портда турган ҳамма кемаларда тинтув ўтказди.

ПАРИЖ, 13, июль, (ТАСС). Ғарбдаги информация агентликларининг маълумотларига кўра, кеча Марокаш армиясининг бўлинмаси Ливиянинг Работдаги элчихонаси территориясига кирган, Ливия дипломатлари ўйдан чиқазилмаяптилар, Ливия элчихонасининг ҳужжатлари тортиб олиниб, уларни Марокаш маъмурлари ўрганиб чиқмоқдалар, элчихона билан телефон алоқаси узиб қўйилган.

Ливия Марокашни огоҳлантирдики, Марокаш Ливиянинг Работдаги элчисининг ва Марокашда бўлган барча Ливия гражданларининг хавфсизлиги учун тўла жавобгардир.

Франциядаги «Европа—1» радиостанциясининг мамлакатдаги сўнгги воқеаларга бағишланган интервьюсида король Хасан II «Ливия маъмурлари Марокаш аҳолисига бетўхтов равишда мурожаат қилиб, исёнчилар билан бирдам бўлишга даъват этди», деди.

Ҳарбий машқлар

ПРАГА, 13 июль. (ТАСС). ЧТК агентлигининг хабар беришича, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Бирлашган Қуролли Кучлари қўмондонлигининг планига мувофиқ, 5—12 июль кунлари Чехословакия билан Польша территориясида ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинларининг биргаликда ҳарбий машқлари ўтказилди.

ЧССР миллий мудофаа министри генерал-полковник М. Дзур раҳбарлик қилган машқлар иттифоқдош қўшинларнинг келишиб ҳаракат қилиш методларини такомиллаштиришга, шунингдек қардош армиялар жанговар дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН БИРГАМИЗ

КАРАКАС, 13. Расмий визит билан Венесуэла пойтахтига келган Коста-Рика ташқи ишлар министри Гонсало Фасио ТАСС мухбири билан суҳбатда Коста-Риканинг Совет Иттифоқи билан дипломатия ва савдо муносабатларини олий даражадаги ижобий муносабатлар деб ҳисоблайман, деди. У айтдики, Коста-Рика учун Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқни кенгайтиришнинг катта аҳамияти бор, чунки унинг мамлакати СССРга кофе сотиб, қишлоқ хўжалиги учун совет машиналарини харид қилиш ниятида. Коста-Рика, деб таъкидлади ташқи ишлар министри, бундан буён ҳам Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ниятидадир.

ГФР ҲУКУМАТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

БОННН, (ТАСС). ГФР ҳукумати федератив республикадаги идоралар ва муассасаларга бундан кейин фақат иккинчи герман давлатининг расмий номини Германия Демократик Республикаси, деб юритиш ҳақида фармон берди. ГФР ҳукуматининг расмий вакили Алерс 12 июлда шу ерда матбуот конференциясида шу ҳақда хабар берди.

Бу фармойиш христиан демократлар союзи—христиан социалистлар союзи партияси ҳукмронлик қилган пайтда чиқарилган ва Германия Демократик Республикасини ўз номи билан атамаслик тўғрисидаги илгариги инструкцияни бекор қилади.

КУРАШ ҲАФТАСИ

РИМ, 13. Бугун бутун Италияда касаба союзларининг даъватига биноан уйжой қурилишини ислоҳ қилиш тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаш юзасидан бинокорларнинг «кураш ҳафтаси» бошланди. Меҳнаткашлар экономиканинг шу соҳасида айниқса қаттиқ сезилиб турган ишсизликни тугатиш юзасидан конкрет чоралар кўрилишини талаб қилмоқдалар.

ТИНЧЛИК ТАКЛИФЛАРИГА ЭЪТИБОР

ВАШИНГТОН, 13. Миссури штатидан сайланган демократ сенатор Томас Иглтон Миннесота штатидан сайланган демократ сенатор Уолтер Мондейл билан биргаликда резолюция лойиҳасини тақдим этди. Бу резолюция президент Никсонни Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг яқинда Парижда тақдим этган тинчлик таклифларига жиддий эътибор беришга чақиради.

Шу йил 11 июлда социалистик Чехословакия ўзининг традицион байрами — Чегарачилар кунини нишонлади. Бундан йигирма йил илгари республика Миллий мажлиси давлат чегараларини қўриклаш ҳақида махсус қонун чиқарган эди. Ана шу йиллар ичида Чехословакия чегарачилари ўзларининг Ватанга, Коммунистик партия ишига нечоғлик содиқ эканликларини исбот этдилар. Суратда: командир ўз жангчиларига айрим чегара участкаларининг характерли хусусиятлари ҳақида сўзлаб бермоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ВА САМАРАДОРЛИК

Масалан, «Ташхлодокомбинат» корхонасини олиб кўрайлик. Бу корхонада асосий маҳсулот ишлаб чиқариш процесси тўла автоматлаштирилган. Лекин ёрдамчи тармоқлар, жумладан мороженоени қутиларга жойлаш, муздатилган чучваларни идишларга солиш ҳамда уларни юклаш ва тушириш ишлари қўл кучи билан бажарилади. Агар бу иш ҳам автоматлашган ва механизациялашган бўлганда эди, корхонада меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулотнинг таннархи анчагина арзонлашган бўларди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асбоб-ускуналар, дастгоҳларнинг белгиланган муддатда алмаштирилиб турилиши катта аҳамиятга эга. Лекин айрим ҳолларда бунга етарлив эътибор берилмайди. Шуни очиқ эътироф этиш керакки, республикамиздаги кўпгина корхоналарда эскирган, ҳатто умуман ишга яроқсиз бўлиб қолган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ҳам бор.

Яна «Ташхлодокомбинат» корхонасидан мисол. Бу корхонада яроқсиз ва эскирган бир қозонларидан ҳозир ҳам фойдаланилмоқда. Ахир ҳозирги пайтда ҳар томонлама қулай, меҳнат унумдорлигини оширадиган, иқтисодий томондан фойдали, табиий газ билан ишлайдиган бир қозонлари бор бўлгани ҳолда эскирган, кўп куч талаб қиладиган, тонна-тонна кўмир сарф бўладиган бир қозонларига эҳтиёж бормиқин?

Мазкур корхонадаги деярлик қирқ процент асбоб-ускуналар, дастгоҳлар янги техника билан алмаштирилиши лозим. Агар шундай иш тутилганда, кони фойдага эга бўлиш мумкин эди. Бутунитифоқ «Гипромясо» лойиҳалаш институтида яратилган янги компрессорлар ва бошқа асбоб-ускуналардан бу комбинатда негадир фойдаланилмаяпти.

Асосий ишлаб чиқариш фондларида маҳсулот тайёрловчи машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа меҳнат қуроллари қанчалик кўп ўрин тутса, техника тараққиёти самарадорлигини оширишга шунчалик кўп хизмат қилади. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи машина, асбоб-ускуналарга қанчалик кўп маблағ сарфланса, янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этишга, илғор технологияни қўлланишга, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштиришга шунчалик кўп имкон яратилади.

Республикамиз саноат корхоналаридаги асосий фондларнинг қирқ етти процентини машиналар, дастгоҳлар ва бошқа асбоб-ускуналар ташкил этади. Бу жуда кам миқдордир. Саноатнинг айрим тармоқларида, жумладан химия ва машинасозлик соҳасида кейинги йилларда юқоридаги кўрсаткич янада камайиб бормоқда. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи машина ва дастгоҳлар салмоғини асосий фондда кўпайтиришнинг бирдан бир йўли, бу—янги техникани тезроқ жорий этиш, эскирган ҳамда кам фойда берувчи асбоб-ускуналарни янгилари билан алмаштиришдир.

Айрим сабабларга кўра, баъзи саноат корхоналари белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмайди. Қурилиш чўзиб юборилиши туфайли лойиҳада кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарадиган машиналар, бошқа асбоб-ускуналар ишга туширилмай бекор туриб қолади. Бунга асосий сабаблардан бири—лойиҳада кўрсатилган маблағларнинг ўз муддатида қурилиш ташкилотларига етказиб берилмаслигидир. Шунингдек, сметада кўрсатилган маблағ реал харажатда ошиб ёки камайиб кетади. Бу ҳам корхонанинг қурилиш муддатини ҳаддан ташқари чўзиб юборади. Шунинг учун лойиҳада кўрсатилган маблағ реал харажатга қараб, ўз вақтида бериб борилиши лозим.

Янги техникани жорий қилиш ва унинг самарадорлигини оширишда планлаштириш системаси ва капитал маблағларни сарфлашни яхшилаш, чунончи, асбоб-ускуналарга ажратилган капитал маблағларни оширишни талаб қилади, капитал маблағларнинг катта қисмини асосий ишлаб чиқариш фондларини техникавий янгилаш учун тўплашни, иқтисодий самарадор бўлган маҳсулот турларини яратишни тақозо қилади.

Келтирилган мисоллардан равшан бўлиб турибдики, янги техникани, илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, асосий иш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш ҳамда самарадорликни ошириш муваффақияти прогрессив усул ва ажратилган маблағдан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

Р. РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисод институтининг сектор мудири, иқтисод фанлари кандидати.

БЕКОБОДДА КИБЕРНЕТИКА КУНИ

Областимизнинг йирик саноат марказларида «Кибернетика куни» ўтказиб туриш яхши анъана бўлиб қолди. Бундан аввал ана шундай тадбир Чирчиқ, Олмалиқ, Ангренда ўтказилган эди. Яқинда республика Фанлар академияси Кибернетика институтининг директори, академик В. Қ. Қобулов бошлиқ бир группа олимлар Бекободда бўлишди.

«Кибернетика куни»да техника фанлари кандидатлари О. Набиев, А. Ғафуров, З. Абдоров, Т. Бекмуродов, А. Зоҳидов, С. Қосимов, К. Бобомуродов, Ш. Усмонова ва илмий ходимлардан М. Ёқубова, Э. Маъруфов, Р. Иногомов, Г. Рашидов ўртоқлар группаларга бўлиниб, шаҳарнинг металлургия комбинати, ғишт заводи, таксомотор парки, 16-қурилиш трести, цемент комбинати сингари корхона ва ташкилотларда бўлиб, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга республикада мўъжизакор фанларнинг ривожланиши ҳамда унинг халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришдаги аҳамиятини гапириб бердилар.

Академик В. Қ. Қобулов металлургия заводи ҳузурида ишлаб турган иқтисодий билимлар халқ университетининг навбатдаги машғулотида қатнашди. Олим Ўзбекистонда кибернетика фани тараққиётининг истиқболлари ҳақида гапирди, партия XXIV съезди белгилаб берган вазифаларни ҳал этишда кибернетиканинг ролига тўхталди.

«Кибернетика куни» шаҳар меҳнаткашларида катта қизиқиш уйготди. Олимлар тингловчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

К. ҚАМБАРОВА,
область партия комитетининг лектори.

Ушбу суратда республикамиз пойтахтининг «Ц—5» кварталини кўриб турибсиз.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

Спорт

МУСТАФОЕВНИНГ ОЧКОСИ

Москвада бошланган СССР халқлари V спартакиадаси мусобақаларида Ўзбекистон командасига дастлабки очкони эшкак эшувчи В. Мустафоев олиб берди. У якка мусобақаларда саккизинчи ўринни эгаллади. Қолган эшкакчиларимиз А. Ғаннев, Ю. Низкодубов, Е. Туркин ва В. Васьковлар муваффақиятли қатнаша олишмади.

ДАЪВОГАРЛАР БАХСИ

Жаҳон чемпионлигига даъвогарлар Т. Петросян билан В. Корчной ўртасидаги ярим финал мусобақасининг ярми тугади. Ўтган бешта ўйинда томонлар орани очиқ қилишолмади. Ҳамма учрашув дуранг натижа бериб, ҳозир ҳисоб 2,5:2,5. АҚШда ўтаётган иккинчи ярим финалда Роберт Фишер даниялик гроссмейстер Ларсенни кетма-кет тўрт марта енгиб, 4:0 ҳисобида олдинда бормоқда.

ОЛИМПИАДАЧИЛАР КУЧ СИНАШМОҚДА

СССР олимпиада терма командаси футболчилари Швециянинг Мальмё шаҳрида мамлакатнинг ўтган йилги чемпиони бўлган команда билан биринчи ўртоқлик учрашуви ўтказдилар: Ҳисоб — 2:2. Майдон эгалари составида португалиялик машҳур футболчи Эйсебио ўйнади. Унинг ёрдами билан шведлар биринчи тўпни киритдилар. Иккинчи тўпни Эйсебионинг ўзи киритди. Меҳмонлар дарвозасига совет командасидан ворошиловградлик Журавлев ва москвалик Кожемякин тўп киритишди. СССР олимпиадачилари қуйидаги составда ўйнашди: Кудасов, Серостанов, Журавлев, Худиев, Чохонелидзе, Заназанян, Трошкин, Андреасян, Эштрехов (Васильев), Кожемякин (Гончаров), Козинкевич.

ОЛТИН СОВРИН ТЕҲРОНДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИГА — ЭРОНЛИКЛАРГА БЕРИЛДИ

Эронга асос солинган кунга 2500 йил бўлганлигига бағишланиб ўтказилган турнирнинг финалига Руминия ва мезбонлар терма командаси чиқишди. Ҳал қилувчи ўйинни эронликлар 1:0 ҳисобида ютдилар. Учинчи ўрин учун бўлган мусобақада Туркия футболчилари австрияликларни 2:1 ҳисобида енгдилар. Турнирда бу командалардан ташқари Чехословакия, Голландия, БАР ва Марокаш футболчилари ҳам қатнашдилар.

МУҲИМ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Муҳаммаджон Ҳакимов кўп йиллардан бери ўзбек совет ёзувчиларининг асарларида мақол ва афоризмларнинг қўлланиши устида илмий-тадқиқот олиб бораяпти. Ана шу изланишнинг, илк нуфуали маҳсули сифатида «Ёзувчи ва халқ тили» монографияси нашрдан чиқди.

Китобда ўзбек совет бадиий адабиётида халқ афоризмларини қўллаш усуллари, тутган ўрни, совет даврида ўзбек мақолларининг тараққиёти ва унга ёзувчилар тилининг таъсири ёритилган.

Шуни айтиш керакки, мазкур асарнинг илмий қимматини оширишда масъул муҳаррир филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймоновнинг муносиб улуши бор.

Китобнинг илмий қимматини белгилайдиган томони ундаги адабиётшуносликка оид фикр-мулоҳазаларнинг конкретлигида, исботталаб таърифларнинг конкрет мисолларда тасдиқланишидадир.

Бу жиҳатдан «Афористик жанрларнинг хусусиятлари» боби алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, «Мақол», «Масал», «Нақл», «Матал» хусусида айтилган баҳсвват, асосли гаплар диққатга сазовордир.

В. Г. Белинский айтмоқчи «тилдаги халқ физиономияси» бўлган мақол ва афоризмларни тўплаб, тадқиқ этиш натижаси ўрта мактаб муаллимларини ҳам ҳушнуд этади. Чунки, бу илмий-практик иш маҳсули ўқитувчилар учун муҳим қўшимча манба-дастурдир.

«Традицион мақоллар асосида янги афоризмларнинг яратилиши» баҳси ҳам эътиборни жалб этади. Бу баҳсда олим Иброҳим Раҳим, Назир Сафаров, Мели Жўра, Амин Умарий сингари ёзувчи шоирларнинг асарларида янги афоризмларнинг мавжудлигини, бунинг контекстдаги ўрни ва аҳамиятини объектив тарзда баҳолайди ҳамда исботлайди.

Муаллиф адабиётимизнинг сўнгги йиллардаги бу борадаги муваффақиятларига ҳам бир назар ташлаб, бу ҳақда дадил фикр-мулоҳазалар билдиради. Шу йўсин, 30- ва 40-йиллар адабиётида яратилган янги афоризмлар ҳам, ундан кейинги йиллар янги мақоллари ҳам яққол кўзга ташланиб, адабиётимизнинг муносиб ютуғи сифатида кишини қувонтиради.

Жумладан, «Қуёш қораймас» романидаги: «Тилакли йигит-қанот ли йигит», «Мардлик билан жанг қилсанг, марда ўлим йўқ», «Жангдан номард қочади», «Болалик» повестидаги: «Биянинг қимизи — дориларнинг асили», «Яхшига улфат бўл», «Узоқ йўлда қўшиқ яхши дўст», «Зайнаб ва Омон» поэмасидаги: «Фарзанд гулдир, она бир бўстон, шунинг билан жаҳон гулистон», «Қилмоқ керак ваъдага вафо, вафосизлар тортгуси жафо», «Чорак аср девони», «Йиллар ва йўллар», «Тошкентнома» (Шайхзода)даги: «Ҳаётни севганлар ўлимдан қўрқмас», «Умрлар бўладики, тиригида ўликдир, ўлимлар бўладики, ўлган одам тирикдир», «Золимга қул бўлмоқлик ўлимдан баттар» сингари афоризмлар эндиликда кенг тарқалиб халқ мулкига айланди. Демак, халқдан ўрганган, халқдан илҳомланган, халқ воғаси отказган Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода сингари кўпгина улкан қалам соҳиблари ўз асарлари, ижодий туҳфалари орқали келгуси авлод учун ўлмас обида — ёдгорликлар ҳаёт этдилар; бой, кўпқиррали ҳаёт тажрибалари асосида, юксак бадиий-ижтиҳодлар меваси сифатида янги афоризм (мақол) лар яратиб қолдирдилар.

Муаллиф улуғ ўзбек ва тожик халқларининг устоз санъаткори Садриддин Айний асарларини ҳам шу жиҳатдан тадқиқ этган экан, унда учрайдиган мақол (афоризм)ларнинг ўзбекча ва тожикча вариантларини мисолга келтиради, таққослайди ҳамда илмий хулоса чиқаради. Шунингдек, рус халқидан бизга ўтган мақолларни таржима қилиб, унга ижодий ёндошиб, адабиётимизни бойитишга муносиб ҳисса қўшган Ҳамза Ҳақимзода, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек сингари шоир-ёзувчиларнинг муносиб хизматлари ҳам мисоллар воситасида кўрсатилади. Чунончи: «Будет и на нашей улице праздник» маталқ биринчи бор Ғафур Ғулом томонидан «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» деб муваффақиятли таржима қилинди. Эндиликда бу ибора оммалашиб, ўзбек халқи орасида кенг тарқалди.

Илмий тадқиқотнинг фазилатлари ҳақида юқоридагидек илиқ фикрларни айтиш учун асос кўп. Шунинг билан бирга, унда баъзи жузъий нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Чунончи, «Таёқнинг зарбидан айиқ ҳам мулла бўлади» деган тожик мақолининг эквивалентлари: «Хирс мулла мешаванд аз зарби чуб» шаклида берилган. Ўзбек тилида бирликда «мулла бўлади» деб берилган экан, нима учун тожикча, кўпликда («мешаванд» деб) берилади? — «мешаванд» деб бирликда берилгани маъқул (63-бет). Яна: «Суҳан аз даҳани Луқмон хушаст» мақоли: «Сўз Луқмоннинг тилидан яхши» деб таржима қилинган. Бунн ўзбек тилининг ўзига хос грамматик қурилишига кўра: «Луқмон тилидан айтилган сўз — ёқимли» — деб таржима қилиш ўринлидир (64-бет).

Рус тилидаги: «Циплят по осени считают» матали ўзбекчада «Жўжани кузда санайди» шаклида бирликда берилган. Уни худди аслича: «Жўжани кузда санайдилар» формасида қўлланиш тўғри (66-бет).

Пировардида шуни айтиш керакки, китоб атиги уч минг нусхадагина чоп этилган. Аннотацияда айтилганидек, асар адабиётшунос, тилшунос, фольклорист ва китобхонлар оммасига мўлжалланган экан, бу жуда оз. Шу сабабли илмий асарнинг қайта нашр этилиши жамоатчиликни қувонтирган бўлур эди.

У. САЛОҲИДДИНОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати.

ҲАР ТЎҒРИДА

АФСОНАНИНГ КАШФИЁТИ

Фарғона, 9 июль. (ЎзТАГ мухбири). Археологлар қадимги афсона асосида Фарғона водисидаги кўхна мунгпеша саройини очдилар. Олимлар фан учун бу қимматли моддий маданият ёдгорлиги даврининг VII—VIII асрларига оид эканлигини аниқладилар.

Қазишма бошлангунча бу ердаги жуда катта тепалик тўғрисида маҳаллий аҳоли қиссалар айтарди. Сарой очилганида яхши сақланганлиги маълум бўлди. Сарой тўрт бурчакли ва бўйи олти метр келадиган мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, деворларнинг қалинлиги тўрт метрга боради.

Олимларнинг экспедицияси кўпгина қизиқарли археологик материаллар тўплади. Улар орасида дон сақланадиган катта хум бор. Унинг ёнида иккита сандал, тошўғир, кўйган дон қолдиклари, мол суяклари топилди. Гулли сопол идиш ҳам турибди. Сопол синиқларидан бирида туркча сўзнинг бир қисми сақланиб қолган.

ПИШИҚЛИК „ТЕРМОМЕТРИ“

Фарғона педагогика институтининг ходимлари деталлар, машина узеллари, қурилиш конструкциялари пишиқлик запасини ғоятда аниқ белгилаб бера оладиган тензодатчик деб аталмиш ярим ўтказгич моддалар асосидаги асбобни яратдилар. Физика-математика фанлари кандидати М. Отақулов раҳбарлигида ясалган бу асбоб ҳозирги вақтда айни мақсад учун ишлатилаётган ўлчов қурилмаларига нисбатан минг баравардан зиёд сезгирликка эга. Бунга махсус усул билан тайёрланган мураккаб ярим ўтказгич бириктмадан иборат пленка аппаратда ишлатилиши ҳисобига эришилди. Шу туфайли техника янгилиги қиммат турадиган улкан кучайтиргич қурилмаларга мухтож эмас. Бу ўзига хос пишиқлик «термометри» ўлчаш натижаларини нисбий рақам бирликлари билан беради.

Асбобнинг конструкцияси содда, ўзи пухта ишлайди. Фарғоналик ихтирочиларнинг тензодатчиги машинасозлик корхоналарида, қурилиш индустриясида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида кенг қўлланилади.

В. ТАТАРИНОВ,
(ЎзТАГ).

САНЪАТКОРЛАР ЭЛ ХИЗМАТИДА

Ҳозирги кунда ғаллакор ва пахтакорларимиз энг долзарб дамларни бошидан кечирмоқда. Ўрта Чирчиқ райони хўжаликларида ана шу тигиз пайтда деҳқонларимизнинг маданий хордиқ чиқаришлари масаласига ҳам дуруст эътибор берилаяпти. Район меҳнаткашлари пойтахт артистлари ва бошқа республикалардан келган санъаткорлар хизматидан баҳраманд.

Яқинда районга С. М. Киров номидаги Ўш область музикали драма театри коллективи ташриф буюрди. Театрнинг ёш, серзавқ артистларидан Ерқиной Ҳатамова, Неъматжон Неъматовлар дилрабо қўшиқлари билан томошабинлар қалбини ром этишди.

Тошкентдаги М. Қори-Ёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси қошида ташкил қилинган корейс халқ театр коллективи ҳам деҳқонларга нафис санъат намуналарини қўрсатишди. Қозоғистон республикасидан келган «Салом» эстрада ансамблининг шўх, жозибадор тароналари ҳам санъат мухлислари хотирида.

Бундан ташқари, 30 га яқин ҳаваскорлар коллективи ҳам дамбадам пахтакорлар, ғаллакорлар, чорва маҳсулотини етиштираётганлар даврасида бўлишади. Район маданият уйи ҳаваскорларига Тошкентдаги Охунбобоев номли ёш томошабинлар театри бириктирилган.

— Лекин улардан ҳалигача биронта мадад олмадик, — дейди район маданият бўлими мудири Э. Шукуров. Маданият уйи биноси ҳам анча эски, янгисини қуриш эса тез ҳал бўлмайдиган масала бўлиб турибди.

Чиндан ҳам бу борада районда ҳал қилинадиган масалалар, рўёбга чиқариш лозим бўлган орзулар кўп.

Яқинда ўтказилган район ҳамда область ҳаваскорлар кўриги, ашула байрами талантли ҳаваскорларни танлашга имкон берди. Район бадиий ҳаваскорлари яқинда болгарималик дўстларига ўз санъатларини намойиш этиш ниятидалар. Айни вақтда улар пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар даврасини хушнуд қилиб, дилларга ҳузур бағишламоқда.

Н. ОЧИЛОВА.

ҚОЗОҒИСТОН ССР. М. Ю. Лермонтов номидаги республика давлат рус драма театрида А. В. Чхаидзенинг «Кўприк» спектаклининг премьераси бўлди. Суратда: спектаклдан бир кўриниш.

С. Метелиц фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ТОҒ ЎҒЛОНИМАН

Тоғ менинг ватаним, масканим тоғда.
Ҳайриддин САЛОҲ.

Тоғни тез-тез қўмсаб турар юрагим,
Тоғ деса ҳаҚириб урар юрагим,
Ҳар ёз тоғу тошда одат, юрмоғим,
Тоғ ўғлониман.

Туғилган эмасман тоғли қишлоқда,
Аммо, болаликдан ўсдим шу ёқда,
Роса ҳам тўйганман сузма, пишлоқда,
Тоғ ўғлониман.

Менчалик туйсангиз эди тоғ гаштин;
Ёшликдан қоялар узра тармашдим,
Юксакка интилдим, чўққилар ошдим,
Тоғ ўғлониман.

Кийиклар изига тушганман яккаш,
Қанчалар завқлидир, эҳ, каклиқ овлаш,
Овим чаппасидан келса, юрак ғаш
Тоғ ўғлониман.

Жилвалар дунёсин минг ранги тоғда,
Мусиқа оламин оҳанги тоғда,
Қўлга қалам олсам, шеър янги тоғда,
Тоғ ўғлониман.

Бир кун ҳам айрилгум келмас тоғлардан,
Айниқса дўст билан юрган чоқлардан,
Овинчу севинчим шу—гул боғларда,
Тоғ ўғлониман.

Бугун йўлим тушди—яна тоғдаман,
Қалбимга куй солган гул қишлоқдаман,
Энг сўлим масканим, жон Сўқоқдаман,
Тоғ ўғлониман.

Тиз чўкиб тоғларга таъзим қиламан,
Тоғ гаштин ўзгамас, ўзим биламан,
Бир эмас, минг бора яна келаман.
Тоғ ўғлониман.

Анвар ЮСУПОВ.

БИР ТУЙҒУ

Бир туйғу жўш урар доимо қонда,
Шому-саҳар шуни ўйлайман фақат.
Одамларга шуни тилайман фақат:
Кўз ёшсиз яшасин инсон жаҳонда!
Севги қўшиқлари кенг қанот ёзсин,
Ёшликдай жўш урсин бу кўҳна олам.
Шамшир ва тўпларни чанг босса боссин,
Аммо тинним билмай ишласин қалам!

САККИЗЛИК

Мевали дарахтга тош отар дерлар,
Бонси шу бўлса, отингиз майли.
Тинимсиз силкитинг уни галма-гал,
Шарбатини обдон тотингиз, майли!
Узр-ку, кўнглимга кепқолди бир гап,
Билимдон дўстларим, сиздан ўтинч шу:
Ўшал тошларингиз... Кўзин ўйқатган
Мевали шохларни этмасин мажруҳ!

Охунжон ҲАКИМОВ.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
16, 17, 18 ИЮЛЬ КЕЧ СОАТ 8 ЯРИМДА
II-РЕСПУБЛИКА АСКИЯЧИЛАР ҚОНКУРСИ ҒОЛИБЛАРИ ИШТИРОКИДА
КАТТА КОНЦЕРТ
АСКИЯ ВА ҚУЛГИ ОҚШОМИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
АСКИЯЧИЛАР:
ИЖРОҚУМ БУВА
Турсунбува АМИНОВ (Қўқон).
Ғойиб ака ТОШМАТОВ (Фарғона), Абдулҳаймахсум ҚОЗОҚОВ (Қўрғонтепа), Мамажон ака МАДАМИНОВ (Қорасув), Раҳматулла ака ЯШАРОВ (Асака), Ғуломжон РУЗИБОЕВ (Асака), Мадамин ЮСУПОВ (Маргилон), Неъматжон ТОШМАТОВ (Қўқон), Йўлдошхон ЮСИРОВ (Қўқон), Зайнобиддин ЮСУПОВ (Маргилон).
ХОНАНДА ВА СОЗАНДАЛАР:
1-РЕСПУБЛИКА БАХШИ ШОИРЛАР КОНКУРСИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ:
Олим ҲАҚҚУЛОВ (Иштихон), Қодир РАҲИМОВ (Ғузор), Шодмон ҲОЛИЕВ (Жарқўрғон), Раҳмат ИМОМОВ (Рометон);
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Жуманазар БЕКЖОНОВ;
Солистлар: Комилжон БАРАТОВ, Ойхон ЁҚУБОВА, Гулчехра ИСМОИЛОВА, Жамила ҲАМИДОВА, Шариф ҚУРБОНОВ ва бошқалар.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Билетлар сотилмоқда.
Концерт залига кандиднон ҳаво бериб турилади.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 19.05 — Болалар учун мультфильм, 19.15 — «Ахборот» информацион программаси, 19.30 — «Кино ҳақида сухбатлашамиз».

Ўзбек тилида: 20.40 — «Ахборот» информацион программаси, 21.00 — Рангли телевидение. Тажриба кўрсатуви. СССР халқ артисти Галия ИЗМАЙЛОВА концерти, 21.30 — Дала ишлари кундалиги, 21.45 — Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган артист Жўрабек МУРОДОВ куйлайди, 22.30 — Адабий театр. АНВАР ХОЖИ. «Волга уйғоқ». 22.55 — «Маншук ҳақида қўшиқ» (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — «Кувноқ дельфин» (болалар учун кинофильм), 18.10 — «Балет навқиронлиги» (музикали кўрсатув).

19.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.00 — «Умр бир марта берилади» (бадиий фильм), 20.30 — «Врач маслаҳати».

Рус тилида: 20.40 — «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар» (ҳужжатли фильм), 21.25 — Санъатга бағишланган ҳаёт. «МУСОРГСКИЙ» (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Интеграл — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Еввойи қалб — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (жуфт соатларда). НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Шер ҳамлага ҳозирланмоқда — «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Европалик келин — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Утмишдан садо — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Асримиздан миллион йил илгари — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Қашқир наъраси — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда)).

Митти сузувчи — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Асосий зарба — «ЧАЙКА» (кеч соат 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Еввойи қалб — «РАКЕТА», «ФЕСТИВАЛЬ».

Интеграл — «ХИВА».

Катта сайр — ТЕЛЬМАН номли.

Ниқоблн исёнчи — НАВОИЙ номли.

«ВИСОТСТРОЙ»НИНГ 11-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА
(Ленинград кўчаси, 19-уй).
ғишт терувчилар, дурадгорлар, пайвандчилар, арматурчилар
КЕРАК
Қурилиш мутахассисликларига эга бўлмаганлар ўқув комбинатида ўқиб касб ўрганишлари мумкин.
Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.
Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ихроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р. 01622. ИНДЕКС — 64697. № А—1791.